

Корхоналардан сотиб олинган акция эвазига дивидент, яъни маълум фоиз пул олиш жоизми?

20:49 / 27.04.2016 7676

Корхоналардан сотиб олинган акция эвазига дивидент, яъни маълум фоиз пул олиш жоизми?

Агар ўша пулни олмасангиз нима учун акция сотиб олдингиз. Демак бир корхона хусусийлаштирилади давлат мулкидан хусусий мулкка айлантирилади. Ўша корхона бутун бор қиммати, демак нарҳга бичилади ва улушларга бўлинади. Ҳар улуш хиссани нарҳи белгиланади, мисол учун бир улушнинг нарҳи 1000 сўм ва хусусийлаштиришда иштирок этмоқчи бўлган инсонларга эълон қилинади. Мана шу корхонанинг умумий хиссалари фалонмингта, бир хисса 1000 сўм ким хохлаسا сотиб олсин, дейди. Биров кўпроқ олади, биров озроқ, биров ўртача хиссаларни ададига қараб сотиб олади. Энди ўша хисса сотиб олган одам, корхонанинг эгаларидан биттасига айланади. Ўш қанча улуш сотиб олган бўлса шунча улушга у эгалик қилади. Ана энди ўша хиссадорлар қўшилиб ўзлари бир идора, унга раҳбар сайлашиб, иш юритишни унга топширишади, маслаҳат кенгашидан кейин. Ана энди у одамлар идора иш юритиб, корхонадан демак келадиган фойдаларни хисоблаб-хисоблаб боришади. Маълум бир келишилган муддатда бунча фойда бўлибди, энди шу фойдани шерикларига улушлари асосида тақсимлаймиз деб тақсимлашади. Бу жуда ҳам ҳалол, пок, яхши бир касб ҳисобланади. Лекин шу ерда шуни айтиб ўтишимиз керакки, ўша корхона ўша қилинаётган касб шариатда ҳалол қилинган нарсаники бўлиши керак. Қилинган иш ҳам ана шундай ҳалол нарсадан бўлиши керак, мана шу ерда алоҳида эътибор бериш лозим. Демак улуш хисса сотиб олиш мумкин, ундан демак келган фойдадан ўзига хисса қўшиш бу уни ҳаққи, лекин ҳаммаси шариат руҳсат берган нарсада ва ишларда бўлиши шарт.